Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

9 ИЮНЬ, 1969 Й
ДУШАНБА
№ 134 (898).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Уй муборак!

Элга армуғон

◆ Чилонзор массивининг «В-22» квартали ой сайин гўзаллашиб боряпти. Кварталда азамат Андижон областининг қурувчилари баракали меҳнат қилдилар. Улар қисқа вақт ичида ҳар бири 44 квартирали учта уйни пардоздан чиқардилар. Андижонликлар қурган уйларда ҳамма шароитлар муҳайё этилган. Янги бинолар давлат комиссиясининг диққатига ҳавола қилинди.

«Крупнопанельжильстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси коллективининг меҳнати ҳам чакки эмас. Улар Чилонзорнинг «В-21» кварталида бир йўла 5 та уй қурилишини баравар бошлаган эдилар. Ишнинг кўзини билиб, меҳнат қилган уйсозлар 5 та уйни ўз вақтида тўла тўкис қўлдан чиқардилар. 300 га яқин оилани ўз бағрига оладиган йирик панелли уйлар эгаларини кутяпти.

◆ **5-қурилиш трестининг 3-қурилиш бошқармаси Қатортолда яна бир объектни тайёр қилганлиги ҳақида хабар берди. Бу 411 ўринли ётоқхона биносидир.**

◆ Шаҳримизнинг Краснопресненская кўчасида ҳам яна бир хушбичим бино қад кўтарди. 3-қурилиш трестининг 23-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд қилган бинога милиция ходимлари кўчиб ўтишади.

◆ **6-қурилиш трестининг 33-бошқармаси ҳам шу ойда фойдаланишга топширилаётган бинолар қаторига яна бирини қўшди. Қурувчилар Чилонзорнинг Дўмбобод даҳасида 40 квартирали уйни қўлдан чиқардилар.**

Шаҳримизда бирин-сирин тайёр бўлаётган чиройли биноларни фойдаланишга топшириш қизғин давом этмоқда.



Тошкентдаги рўзғор холодильниклари заводининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ой сайин оширмоқда.

СУРАТДА: завод инженери В. Махонин тайёр холодильникларни синовдан ўтказмоқда.

Трикотаж ярмаркаси


Бугун

Тошкентдаги модалар уйининг кўргазмалар залида трикотаж кийимларининг республика улгуржи савдо ярмаркаси очилди.

Ярмаркани Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва республика Савдо министрлиги ташкил қилган.

Ярмаркада Тошкентдаги трикотаж фирмаси, устки трикотаж кийимлар фабрикаси ва Андижон корхонасининг маҳсулотлари қўйилган. Экспонатлар орасида трикотаждан тайёрланган ҳар хил кўйлаклар, жемперлар бор.

Шу йилнинг иккинчи ярмида республикамиздаги савдо ташкилотлари, базалар трикотаж молларидан кўпроқ ва ҳар хил ассортиментда оладилар. Ярмаркани ўтказишдан мақсад аҳолининг трикотаж буюмларига бўлган талабини ўрганишдир.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Марказ-4 кварталининг кўриниш ларидан бири.

М. Нуриддинов фотоси.

ЕТУКЛИК САРИ

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театр биноси балет ва миллий ўйин шинавандалари билан гавжум. Бу ерга Тошкент хореография билим юртини битирувчиларнинг ота-оналари ҳам келишган. Улар ўз азиз ўғил-қизларини мактабни тугатиш муносабати билан табриклаш, уларнинг эгаллаган санъатларини кўриш учун бу ерга келганлар.

Кечанинг концерт қисми жуда мароқли ўтди. Концертда миллий ўйинлар бўлимининг битирувчиси М. Эргашева «Най ялласи» рақсини маҳорат билан ижро этиб, етуклик сари қадам босаётганини намойиш қилди. Шу бўлимнинг битирувчилари Мендельсон постановка қилган «Лўлилар» рақсини, Ўзбекистон халқ артисти, педагог Қундуз Миркаримова саҳналаштирган «Бухорча» рақсини ҳам ижро этдилар. Булардан ташқари, классик бўлим битирувчилари ва кичик синф ўқувчилари ҳам ҳисобот концерти кўрсатдилар.

СССР халқ артисти Г. Измайлова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Б. Қориева, Қ. Миркаримова ва бошқа ўнлаб рақс санъати намоёндалари қаторига Тошкент хореография билим юрти ўзининг яна 17 битирувчиларини қўшиб, рақс шинавандаларини ҳушнуд этди.

Бугун эрта ёш талантлар билим юрти билан хайрлашиб, мустақил ҳаёт учун, халқимиз санъатига ҳисса қўшиш учун республикамизнинг турли жойларидаги санъат масканига отланадилар.

РЕПОРТАЖ

ЯРИМ МИЛЛИОН ТАБАССУМ

...Улкан зал. Пуштиранг парда оҳиста тортилади. Экранда ҳаммамиз учун таниш ва ёқимли садо янграйди. Кремль курантининг жомлари жаранглайди.

Кремль биносининг хоналаридан бири. Бутун инсоният учун азиз бўлган буюк зотнинг сиймоси намоён бўлади.

Унинг ҳузурига Сухэ Батор кириб келади. Залда гулдурос қарсаклар янграйди. Владимир Ильич монгол халқининг отасини фарзанди билан суҳбатлашяпти.

— Сиз чўпонларга, оддий халққа суянишингиз керак. Улар армия, давлат, ҳокимият демакдир.

Тарих саҳифаларидан ўрин олган ана шу учрашувга ярим асрча вақт бўлди. Бу давр қўшни Монголия диёрининг кишиларига бахт ва саодат ҳадя қилди. Мана шу тарихий учрашув совет ва монгол ёшларининг Тошкентдаги дўстлик фестивалига пойдевор бўлди.

Ана шу тарихий учрашувнинг шарофати билан жаҳонда тенгсиз социалистик жамиятнинг ғояларидан баҳраманд бўлган шу давр мобайнида ютуқларини ўртоқлашган, Советлар диёрининг нурли зиёсидан мадад олган монгол ёшлари учун гўзал Ўзбекистоннинг ҳар бир даргоҳи, хонадони эшиклари кенг очиб қўйилди, дўстларнинг қучоғи аввалги гулларга бурканди.

Дўстлик фестивали ўн кеча ва ўн кундуз давом этди. Унинг довруғи Тошкентдан Москвагача, у ердан Улан-Баторгача таралди. Унинг руҳи Даманский, Самарқанд, Дархонга борib етди. Анжуманнинг садоси Бухородан Чайболсангача янгради.

Фестивалда ҳаммаси бўлиб 500000 йигит-қиз қатнашибди, унинг овозига жўр бўлибди. Кичик рақам эмас. Гўё шунча аҳолиси бўлган мамлакатда тўй-томоша ўтгандек.

Санъат саройида дўстлик фестивали ёпилишига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда шу рақам тилга олинди. Йиғилиш президиумида ҳар икки ўлканинг ҳурматли меҳмонлари, фестиваль ташкилотчилари ўтиришибди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Абдуллаева, Монголия Революцион Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Пурэвжав, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Е. В. Торсуев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони Дандор, армия генерали И. И. Федюнинский, тинқувчи М. Гозиевалар ва бошқалар гапирдилар.

Фестиваль байроғи тантанали туширилиб, у монгол ёшларига топширилади. IV фестиваль Монголияда ўтказилади. Йиғилиш қатнашчилари Коммунистик ва ишчи партияларининг Москвадаги халқаро кенгашига табрик телеграммаси йўллаб, ўзларининг Ленин партиясига содиқликлари, социалистик жамиятни кўз қорачиғидек сақлашларини изҳор этдилар.

Саҳнамизда Улан-Батордаги раққосаларнинг жозибаси Хоразмнинг шўх лазгисига ҳамоҳанглашиб кетди. Барно қўшиқчи Муҳаббат Шамаеванинг «Дилбар»ни хушовоз хоманда Норовбандаднинг ашуласи билан уйғунлашди. Бизнинг тилимиз билан айтганда монгол-ларнинг галяси, кларасн бўлмиш Оюнгэрэлнинг ўйноқи ҳаракатлари, жозибаси «Помир рақси»ни эслатгандек бўлади. Софияда бўлиб ўтган Жаҳон ёшлари фестивалининг лауреати бўлган бу қизнинг санъатини кўриб тўймайсан киши.

Ҳар икки мамлакатнинг маданиятини, санъатини мужассамлаштирган ана шу концертни фақат томоша залидагина эмас, балки зангори экран орқали бутун Ўзбекистон аҳолиси мириқиб кузатди.

Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик театрининг талантли санъаткори М. Саъдуллаев режиссёрлик қилган якунловчи концерт доҳий В. И. Ленининг муборак номини, Даманский жасоратини, Тошкентнинг мусаффо ва сокин осмонини мадҳ этди.

Бугун Тошкент аэропорти яна байрам либосида. Хайрлашиш дақиқалари. Карнай-сурнайларнинг овози авжига чиқяпти. Атлас кўйлакли ўзбек қизлари монгол дугоналарини ўз бағрларига босадилар. Ҳеч кимнинг хайрлашгиси келмайди. «Яна келинглар», «Навбат сизлардан», «Кўришгунча» деган сўзлар такрор-такрор эшитилади. Осмонга парвоз этган кумуш қанотли қушлар фестиваль қатнашчиларини олиб кетди.

Қардошлигимиз саҳифалари

И. И. ФЕДЮНИНСКИЙ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали.

Мен совет ва монгол ёшларининг дўстлик фестивалига иштиёқ билан етиб келдим. Мақсад қардош монгол халқининг норғул ўғил ва қизлари билан дўстона суҳбатлашиш, уларга қардошлигимизнинг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилиб бериш эди.

Биз совет кишилари монгол халқи билан қардошмиз. Ана шу қардошликнинг ўзига хос тарихи бор.

Монголия халқининг отасини фарзанди Сухэ-Баторнинг Москвага келиб доҳиймиз В. И. Ленин билан учрашуви шу қардошликнинг прологи дейиш мумкин.

Бундан 30 йил муқаддам қўшни мамлакат аҳолисининг бошига ташвишли кунлар тушди. Империалистик доираларнинг ноғорасига ўйнаган Япония урушқоқлари Халхин-Гол тоғлик районига ҳужум қилдилар.

Босқинчиларнинг уринишлари бекор бўлди. Совет Иттифоқи қўшинлари билан Монголия армияси душманни суриб ташлади. Тарихий курашда совет ва монгол халқларининг азамат жангчилари қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Қардошлигимиз ҳақида қисқа ҳикоя қилувчи яна ҳайрли саҳифалар бор. У ҳам бўлса монгол халқига совет кишиларининг кўрсатаётган оғаларча ёрдамидир.

Тошкентда бўлиб ўтган дўстлик фестивали ана шу қардошликнинг ёркин ифодаси бўлди.



Қишлоққа кўплаб машиналар етказиб бериш ташаб бускорларидан бири — Ўзбекистон трактор-йигув заводининг меҳнат аҳли шу кунларда ленинча меҳнат вахта сида туриб, қишлоқ меҳнаткашларига машиналар етказиб беришни тобора авж олдирмоқда.

СУРАТДА: заводнинг тайёр маҳсулотлари.

В. Ломовцев фотоларн.

ЯНГИЛИК ТУФАЙЛИ

Каноп фабрикасининг хом ашё тайёрлаш цехида калта каноп толаларини механик равишда ҳўллашга мўлжалланган техникавий ишлар олиб борилмоқда. Корхонанинг инженерлари шу мақсадда хом ашёни эзадиган машинани яна такомиллаштириб, ундан фойдаланишга аҳд қилдилар.

Ҳозирча бу машаққатли меҳнат жараёни қўлда бажарилмоқда. Янгиликнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши туфайли ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошади.

• Пойтахтимиз меҳмонлари

ХОРАЗМЛИКЛАР САНЪАТИ

Бир неча кундан кейин пойтахтимизда гастролларнинг қизғин маъсуми бошланади. Ўзбекистон Маданият министрлиги ва республика театр жамияти правлениеси шаҳримиз меҳнаткашларини етук санъат даргоҳларининг асарлари билан таништириш, уларнинг ҳисоботини тинглаш мақсадида гастроллар уюштирмоқда.

Июнь ойида Хоразм областининг Огаҳий номли музикали комедия ва драма театри Тошкентга бир ой гастролга келади.

Хоразмлик санъат усталарининг гастроллари драматург Кимнинг «Вьетнам тонги» асари билан бошланади. Спектаклда ўз озодлиги ва эртанги куни учун жон фидо қилаётган қаҳрамон Вьетнам фарзандларининг ёркин образлари гавдалантирилган.

Бундан ташқари «Мавлоно Огаҳий» асари ҳам томошабинлар диққатига биринчи марта ҳавола этилади. Гастроль давомида «Маҳтумқули», «Ошиқ Ғариб», «Қайнона», «Қизбулоқ», «Тунги фарёдлар» каби спектаклар билан бирга бир неча концертлар кўрсатилади.

Хоразмликлар спектакллари Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали драма театрининг ёзлик биносида ўн кун мобайнида намойиш қилинади. Шундан кейин санъаткорлар Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, бир неча асарларни намойиш этадилар.

Гастроль сафари давомида хоразмлик театр санъати усталари билан турли корхоналарда учрашувлар ва пойтахтлик ҳамкасблар билан ижодий мунозаралар ўтказилади.

БУ ЕРДА ШИФО ТОПАСИЗ

Ўрта Осиё темир йўли 1-касалхонасининг янги корпуси қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. «Средазтранс т р о й»нинг 209-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этаётган тўрт қаватли янги бинода пардозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Шу йилнинг охирида ишга туширилган 200 ўринли терапевтика корпуси замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Янги корпус қурилиши ва медицина жиҳозлари учун давлатнинг 1 миллион 103 минг сўм маблағи сарфланади. Ҳозиргача 610 сўмлик иш бажариб қўйилди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан 15 минг сўмлик медицина асбоб-ускуналари олинди. Кейинчалик эса 120 минг сўмлик ҳар хил жиҳозлар келтирилади.

Касалхонадаги ўринларнинг ҳаммаси сигналлаштирилади. Бунинг учун корпусга махсус сигнализация аппарати ўрнатилади. Бемор каравотидаги кнопкани босса бас, ҳамшира ёки шифокор ўша беморнинг олдига тезда етиб келади.

«Ё Ш Л И К» ЯНА САФАРДА

Бундан бир неча кун илгари «Ёшлик» поезди жуда катта группа саёҳатчилар билан бепоён Ватанимизнинг энг йирик шаҳарлари бўйлаб саёҳатдан қайтиб келди. Саёҳатчилар Москва, Ленинград, Рига, Таллин каби шаҳарларда бўлиб меҳнаткашларнинг бугунги ҳаёти билан, тарихий ёдгорликлар билан танишдилар.

Куни кеча «Ёшлик» поезди яна узоқ сафарга йўл олди. Бу гал 350 киши ўзининг дам олиш кунларини Ватанимизнинг йирик шаҳарларида ўтказиш ниятида.



СУРАТДА: саёҳатчилар Улуғ Ватан уруши йилларида халок бўлган қаҳрамонларнинг қабрига гулчамбар қўймоқдалар.

Н. НАУМОВ фотоси.

Қулупнай мураббоси

Тошкентдаги консерва заводида қизғин меҳнат палласи бошланди. Корхонага колхоз ва совхозлардан қулупнай ортилган машиналар узлуксиз келиб турибди.

Коллектив янги қулупнай ҳосилини қайта ишлашга киришди. Консервачилар шу йилнинг ўзида 100 минг банка қулупнай мураббоси тайёрлашлари лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг банканинг қопқоғи ёпилди.

Жаҳон ойнаси

ЯНА СИЕСИЙ СУИҚАСД

НЬЮ-ЙОРК, 8. (ТАСС). Кеча Нью-Йоркда гувоҳларнинг кўз олдида Гарлем негр ташкилотларидан бирининг раҳбари Чарльз Кенната оғир ярадор қилинди. Кенната автомашинадан чиқаётган пайтда унга суиқасд қилинди. Кўкраги ва қўлига ўқ теккан Кенната оғир аҳволда касалхонага келтирилди.

БУЗҒУНЧИЛИК

ПОРТУГАЛИЯ самолётн Конго (Браззавиль) ҳаво чегараларини бузиб ўтиб, мамлакат ичкарисига кирди. Чегара бузар самолёт Пуэнт-Нуара аэродромига қўнишга мажбур бўлди.

НОРОЗИЛИК

«ДАНИЯ НАТОДАН ЧИҚИШИ КЕРАК!», «ДАНИЯ-ГАРБИЙ ГЕРМАНИЯ ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎХТАТИЛСИН!»— Данияннинг Оденсе деган порт шаҳри аҳолиси ГФР ҳарбий кемалари отрядининг Данияга қилган визитига қарши норозилик билдириб, ана шундай шиорлар билан портга келдилар.



Япониянинг демократик жамоатчилиги Япониянинг Окинава оролидан Америка агрессорларининг Узоқ Шарқдаги ҳарбий база сифатида фойдаланишига қарши, бу территорияни Америка ҳукумронлигидан озод қилишни учун кураш олиб боряпталар.

Кюдо — ТАСС фотоси.

● *Ленинча меҳнат вахтасида*

ЯНГИ КВАРТАЛ ҚУРИЛИШИДА

БУЛЬДОЗЁР оғир бир «нафас» олиб уюм-уюм тупроқларга яна «ҳужум» бошлади. Уни 4,5 метр ерга суриб боргач, ўнқир-чўнқир ерлар кафтдек текис кўринди.

Механизатор Геннадий Федотовский машинадан тушиб текисланган ерларни кўздан кечираркан, унинг ёнига мастер келди.

— Баракалла, Гена. Ишчанлигингга қурувчиларимиз тан беришяпти. Энди...

— Хавотирланманг, ўртоқ мастер. Айтаётган 72 квартирали уйингизнинг замини тайёр бўлади бугун.

Механизатор йигит яна рулга ўтирди. Мастерга хотиржам бўлинг ишорасини қилиб, тормоз ричагларини бўшатди-да уюлган тупроқлар томон шиддат билан юрди.

Буни ҳақиқий механизатор деса бўлади, дея дилдан ўтказарди қурилиш мастери Фарҳод Иброҳимов. У ишлаганда мутлоқ чарчоқни унутади. Ўз иши туфайли 15 йилдан бери меҳнатда камол топиб келаётган Геннадийнинг номи 2-«Строймеханизация» тресги 8-механизация бошқармасининг ҳурмат тахтасидан тушмайди.

Бугунги қуёшнинг тафти ёмон эмас. Тиккага келган. У қурувчиларга қанчалик иссиқ пуркамасин янги объектда иш суръати тезлашгани-тезлашган. Бир оздан кейин эсган шамол ғишт терувчиларнинг ғайратларига ғайрат қўшди. Чапдаст бинокорлар яна меҳнатга шўнғидилар. Қоришмалар объектга ҳам келиб турибди. Кетма-кет келаётган ғиштлар бино пойдеворларига бир текисда терилади. Дурадгор ва монтажчилар ҳам ғишт терувчиларнинг меҳнатини енгил қилиб, ишда илгарилаб кетганлар.

Пойтахтнинг янги ташкил этилган 14-кварталида меҳнат ана шундай қайнамоқда. Бир йўла иккита 4 қаватли 72 квартирали турар-жой биносини бунёд этиш комплекслашган бригада бошлиги Тўлқин Самиғов етакчилигида олиб борилмоқда.

Тўлқин 159-трест 13-қурилиш бошқармасининг пешқадам бригадири. Узи ёш бўлса ҳам 50 қурувчига раҳбар. Ҳозирги кунда Тўлқиннинг бригадаси 3 звенога бўлиниб ишлаяпти.

— Тез ва соз ишлаб улуғ доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаймиз,— деб аҳд қилган қурувчи ёшлар.

Айтилган сўз отилган ўқ дейишади. Бригаданинг зарбдор йигитлари ўз зиммаларига олган қурилиш-монтаж ишлари планларини муддатидан илгари ошириб адо этдилар.

Жумладан шаҳримиз марказида, Анҳор бўйида 64 квартирали турар-жой биноси, Луначарский кўчасида турли қатор биноларни самиғовчилар қуришган.

Бригада звеноларн бир-бири билан мусобақадош, аҳил ва ҳамжиҳат. Улар орасида турли миллат вакилларини учратасиз. Лекин уларнинг мақсад йўллари бир—ҳамшаҳарларига муҳташам, пишиқ ва пухта бинолар қуриб бериш. Бинокорларнинг бу ниятлари кун сайин амалга ошиб боряпти.

Қурилиш звеносининг бошлиқлари Аҳрор Комилов, Йўлдош Шавиляев, Анвар Мусмеддиновлар тажрибали бинокорлардан ҳисобланади. Уларнинг меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилишлари қурилишда бурилиш ясамоқда. Меҳнат унумдорлиги ошиб, ишлаб чиқариш планлари юқори кўрсаткичларда бажарилмоқда.

Ака-ука Ориф ва Соиб Боймуҳамедов, Ҳикмат Аҳмаджонов, Рафиль Ҳасанов, Марня Вирнякова каби машъал қурувчилар меҳнатлари билан касбдошларига намуна бўлишмоқда.

Қурилиш объектида коммунистларнинг соф виждони, ҳалол меҳнатлари, ташкилотчилик ишлари фахр билан тилга олинади. Коммунистлар авангард куч сифатида ёш қурувчиларни самарали меҳнат қилишга чорламоқдалар. Ўлмас Насриддинов, Хайитбой Машрапов, Фагила Файзулиналар бинокорларнинг олдинги сафларида бўлишлари билан оммавий ва снёсий ишларга раҳбарлик қиладилар.

Айни кунларда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига меҳнат совғалари тайёрлаш қизғин тус олмоқда. Бу улуғ айёмни мастер Фарҳод Иброҳимов, бригадир Тўлқин Самиғов раҳбарлик қилаётган қурувчилар янги 14-кварталда иккита 72 квартирали, битта 40 квартирали уйни фойдаланишга топшириш билан қарши олишга аҳд қилганлар. Ҳозир барча куч шу улкан иш, шарафли мажбуриятни бажаришга қаратилган.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.



Ўзбекистон қийин эрувчан ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчилари шу кунларда ленинча меҳнат вахтасида баракали меҳнат қилаётирлар.
СУРАТДА: корхона 16-цехининг ишчиларидан Ольга Кофлер ва Юлия Кобзар хўжалик симларининг сифатини текшириш устида иш ламоқдалар.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

● *Дўстлар объектида*

НОВОСИБИРСК–ТОШКЕНТГА

— Деворларниям ярқиратиб ташлайсан-а, Наташа? Асбоб тутишингаям қойилмаи. — жуда зукқосан-да. «Ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради» деганларидек, гўё ишни сен эмас, асбобларинг бажаради. Узингга ўхшаган нозик дидлига учрагинда!

— Ана холос, дарров айниб кетасиз-да, Серафима опа.

— Сени суйганимдан жаҳлингни чиқаргим келаверади. Ҳафа бўлма.

— Ешлигингизда кандоқ эдингиз, Серафима опа,— луқма ташлади қизлардан бири.

— Шаддотликда сендан қолишмас эдим.

— Бирортаси билан концертларга ҳам борармидингиз?— ҳазил қилди Вера.

— Ҳа, бўлмасамчи!...

— Бас энди қизлар, ҳазил тугади. Ҳализамон овқат маҳал бўлиб қолади-я. Нариги бино сувоғи ҳам бизга қараб турибди.

Серафима Баранова бошлиқ қизлар бригадасининг иш куни ҳар доим ана шундай қувноқлик билан ўтади. Серафима — ўткир зеҳнли аёл. У бошлиқ бўлган бригада Новосибирск қурилиш поезди коллективи орасида қадр топган, иш сифати ҳам жойида.

Идрокли Серафиманинг севган ҳунари қурувчилик деса бўлади. Серафима қурилишга келгач бир ойдан сўнг 2-разряд, уч ой ўтгач учинчи, ярим йилдан кейин эса тажрибали ишчилар билан тенг ҳуқуқли суворкчи бўлиб етишди. Мана ўн йилдирки Серафима жўшқин меҳнат қучоғида тобланяпти. Унинг бригадасида 20 киз ишлайди. Г. Алабугина, В. Васильева, Н. Воронова каби серғайрат қизлар Серафима опадек, ҳар бир ишни сифатли бажаришади.

Новосибирск қурилиш поезди коллективи орасида слесарь А. Гольдобен, электрпайвандчи В. Вахмьянин, пардозчилар бригадасининг бошлиқлари Ю. Бакунина, А. Семёновга ўхшаш ишчи-бинокорларнинг хизматлари, аниқса, таҳсинга сазовардир. Новосибирск қурилиш поезди 1966 йил 27 майда Тошкентга кириб келган эди. Шундан бери ўтган муддат ичида қардошларимиз пойтахт механизаторларига 17 минг квадрат метрли муҳташам уй-жой бинолари ҳадя этдилар. Эндиликда улар бутун куч ва имкониятларини учта 9 қаватли иморатни битириш учун сафарбар қилмоқдалар.

— Битиш арафасида турган 68, 70, 74-бинолар тошкентлик дўстларимизга сўнгги совғамиз бўлади,— дейди Новосибирск қурилиш поездининг бош инженери Ильзар Рамазонов.

О. ТЎХТАНАЗАРОВ.

ЮБИЛЯРИМИЗ

ГИЁҲЛАР СЕҲРГАРИ

Машина дарахт шохларига урилиб, арслондай ўкириб юқорига чиқди, усти шохлар билан ёпилиб, омонатгина қутилган уй олдида «ҳансираб» тўхтади.

Бу ерларнинг ҳар бир қаричи олимга таниш бўлиб қолган. Собир ака шаффоф тоғ ҳавосини тўйиб-тўйиб сипқарди. Сумбула сувидек тиниқ тоғ жилғасидан кафтлари орасига олиб симирди.

— Келинглар, болаларим, — деди ўрта бўйли, бугдой ранг пешонасини қават-қават ажин босган нуроний кампир.

— Сирач йиққани келдик, онахон.

— Тоғда сирач бўладими, домла—деб сўради Собир аканинг ёнида турган шогирди.

— Ҳа, бу ердагилар биз излаётган ўсимликни шунақа дейишади. Унинг пиёзчаси жуда ёпишқоқ бўлади-да. Бир пайтлар косиблар келиб, шу ерлардан бу ўтни йиғиб-қуритишиб, сирач тайёрлашаркан. Шу-шу ўсимликнинг номи сирач бўлиб кетган. Тоғнинг ҳув анави ерларида ўша ўсимликдан кўпроқ учрайди, — Собир ака пағa-пағa булут билан қопланган қоя тоғнинг баланд жойларини кўрсатди.

Олим салобатли қояларга термулиб, ўйга толди.

... Қирқ йилдирки, бу заҳматкаш инсон гиёҳлар оламини кезади. Ўрта Осиёнинг тоғ, қир, адр, яйловларида унинг оёғи етмаган жой қолмаган десак муболаға бўлмайди. 1935 йилдан бери Собир Юнусов ҳар йили Ўрта Осиё саҳароларидан Тянь-Шань, Помир ва бошқа музликларгача бўлган катта майдонлардаги алкалоид сақловчи ўсимликларнинг янги хилларини топиш экспедициясида иштирок этади:

У ёйв, отда ва машинада юз минг километрдан ортиқ масофани кезиб, Ўзбекистонда чинордек қад кўтарган алкалоидлар дунёсини яратди.

3589 тур ўсимликнинг ҳар хил аъзоларида, ҳар хил даврларида ва ҳар хил жойда ўсишига кўра, улар таркибидаги алкалоидлар аниқланди. Улардан 1912 хили алкалоид сақловчи ўсимликлар бўлиб чиқди.

119 ўсимликдан 210 хил алкалоид, жумладан 132 та янги хил алкалоид ажратиб олинди. 123 хил алкалоиднинг тузилиши исботланиб, кимёвий тузилиши маълум бўлган 100 та қимматли алкалоиднинг янги манбалари топилди. Масалан, галапталин, папаверин, цитизин ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Олимнинг қаёт йўли кашфиётлари каби ранг-баранг, саноқсиз давонларни босиб ўтган...

Совет олими, коммунист Собир Юнусов 1909 йили Тошкентда ғишт терувчи ишчи оиласида туғилди. Отадан эрта етим қолди. 1918 йили К. Маркс номидаги педагогика техникумига ўқишга борди. У ўқишни тугатгач, шу ўқув юртида математика ўқитувчиси вазифасида ишлай бошлади.

1930 йилда С. Юнусов САГУ (ҳозирги ТошДУ)нинг химия факультетига кирди. У 1934 йили буюк рус химиги, академик А. П. Орехов раҳбарлигида илмий иш олиб бориб, олтита янги алкалоид топди. Москвада диплом иши ёзаётган чоғларидаёқ Ўрта Осиёнинг шифобахш ўсимликларини текшириш ва халқ хўжалигида қўлланилишини илмий жиҳатдан асослаб беришга қарор қилди.

1936—1939 йиллар С. Юнусов ҳаётидаги энг бахтли давр бўлди. У Бутуниттифоқ химия-фармавцевтика илмий-текшириш институти аспирантурасида ўқиб, кўкнори гуллилар оиласидан саккизта алкалоидни ажратишга ва ремерин ҳамда армепавин алкалоидлари тузилишини аниқлашга муяссар бўлди.

1949 йили С. Юнусов «Тетрагидроизохинолин ва фенантридин типидаги алкалоидлар ҳақида» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади.

1952 йили Собир Юнусов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ва вице-президенти лавозимига сайланди. Бу вазифада ўн йил давомида тинимсиз иш олиб борди. Бу йиллар Ўзбекистонда фан юқори даражада гуллай бошлади. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг илмий муассасаларининг сони 22 тадан 36 тага кўпайди.

1958 йили С. Юнусов Совет Иттифоқи Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига сайланди. орадан бир йил ўтгач, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби деган юксак унвон берилди. Собир ака 1962 йилда немис табиатшунослар академиясининг академиги қилиб сайланди.

Собир Юнусов дунёни кезиб, кимёнинг оламшумул аҳамияти ҳақида бир неча халқаро конгрессларда қатнашиб. Венгрия, Швейцария, Англия шаҳарларида Цюрихда ўзбек, рус ва немис тилларида докладлар қилди. У совет Ўзбекистони химиклари қўлга киритган ютуқларни дунёга танитди. Совет Иттифоқида табиий бирикмалар химияси бўйича ўтказилган Менделеев съезди ва конференцияларида актив иштирок этди. 1969 йили С. Юнусов бошчилигидаги СССР Фанлар академияси делегацияси Корея Халқ Демократик Республикасида бўлди.

С. Юнусовнинг шогирдларидан етти киши фан доктори, 48 киши фан кандидати бўлиб, улар Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида илмий иш олиб бормоқдалар.

Собир Юнусов 370 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир. У, 1968 йилги «Алкалоидлар» номли рисоласида совет олимларининг бу соҳадаги илмий ишларини биринчи бўлиб система-га солди.

С. Юнусов бир неча йиллар мобайнида Ленин мукофотлари комитетининг аъзоси бўлди, «Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси докладлари» журналига мухаррирлик қилди.

Ҳозирда эса «Табиий бирикмалар кимёси» номли Бутуниттифоқ журнали бош муҳарририди-дир.

Партия ва ҳукуматимиз С. Юнусовнинг фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаб етиштиришдаги самарали меҳнатини юксак баҳолаб, уни «Меҳнат Қизил байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари, ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлади.

Олимга бу йил Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Биз атоқли олим, жонкуяр мураббий Собир аканинг олтмиш ёшлик камолат чўққисида доимо бардамлик, узоқ умр, илм масканида янги парвозлар тилаймиз.

Ҳ. МАХСУМОВ .

„СОЦИАЛИСТИЧЕСКАЯ ИНДУСТРИЯ“


Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг янги ижтимоий-сиёсий газетаси — «Социалистическая индустрия» йилнинг иккинчи ярмидан оммавий тираж билан чиқа бошлайди. Бу газета аввало ишчиларга, саноат ишлаб чиқаришининг инженер-техник ва илмий ходимларига мўлжалланган.

Газета саҳифаларида коммунизм қурилиши проблемалари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси шароитида саноатни ривожлантиришга доир материаллар эълон қилиб турилади.

Газета мамлакатимиздаги ва чет эллардаги энг муҳим воқеалар билан, социализм мамлакатларида янги турмуш қурилиши билан, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ўз сиёсий ва социал ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашн билан газетхонларни таништиради.

Газетада ишчилар синфининг ҳаётига бағишланган очерклар, ҳикоялар, совет ва чет эл ёзувчиларининг асарларидан парчалар эълон қилинади. Коммунистик тарбия, маданият, меҳнаткашларнинг турмуш ва дам олиши, физкультура ва спорт масалаларига доир хилма-хил материаллар катта ўрин олади. Махсус фельетонлар, сатира ва юмор бўлими очиш кўзда тутилган.

Газета «Правда» газетаси ҳажмида тўрт саҳифа қилиб ҳафтасига олти марта чиқарилади.



КОНВЕЙЕРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ

Шу долзарб кунларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг конвейерларидан ҳар куни ўнларча тўкилган пахтани териб олувчи ва кўсак чувиш машиналари ишлаб чиқарилиб мамлакатимиз пахтакорларига жўнатиб турилипти.

СУРАТДА: янги кўсак чувиш машиналари.

М. Нуриддинов фотоси.

ЮЗЛАРДАН ОҚШОМИ ҳа келган ХАТЛАРДАН

ЕШ ЖУРНАЛИСТЛАР МАКТАБИ

Абдулла Набиев номли шаҳар пионерлар уйида ташкил этилган ёш журналистлар мактабида тажрибали журналистлар лекция ва суҳбатлар ўқимоқдалар.

«Ўқитувчилар газетаси» редактор ўринбосари С. Акбарий, «Совет журналистикасида ленинча услуб», «Совет Ўзбекистони» газетасининг ходими А. Юсуповнинг «Газетада санъат ва адабиёт» деган темадаги лекциялари қизиқарли бўлди.

М. АҲМЕДОВА.

ҲАММА МИННАТДОР

Ҳамза районининг Бирлашган кўчасидаги 28-магазинига кирсангиз, хушнуд бўлиб чиқасиз. Бу магазиннинг озодалиги, китобларнинг тартиблилиги бир хурсанд этса, сотувчи ходимларнинг ширинсуҳанлиги дилингизни минг бор шод қилиб юборади.

Э. ШЕРМАТОВ.

БОЛАЛАР ГУЛШАНИДА

Пойтахтдаги соя-салқин ерга жойлашган 124-болалар комбинатига кирсангиз, анвойи гуллар ҳиди димоғингизга урилади. Бу ерда чақчақлашиб юрган ўзбек, рус, тожик, қирғиз, татар, арман каби ўнлаб миллат вакилларининг болалари бир оила фарзандларидек аҳл ўйнаётганликларини кўриб қувонасиз.

Бу муҳташам икки қаватли болалар комбинати қучоғида 10 та группа бўлиб, унда 280 бола тарбия олмоқда.

Комбинат мудираси Мўътабар Қодирова ёш бўғинни тарбиялашдек касбда 20 йилдан бери узлуксиз ишлаб келмоқда.

Г. Сулаймонова, В. Федорова, Р. Тиллахўжаева каби тарбиячилар ёшларни меҳнатсевар, одобли қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти кутубхонашунослик факультетининг III курс студентлари республикамиз бўйлаб педагогик практикага чиқдилар. Улар Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд ҳамда Урганч каби шаҳарларда бўлиб, шаҳар ва область кутубхоналари билан яқиндан танишдилар.

Факультетнинг А. Я. Конорова раҳбарлигидаги бир группа студентлари Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Наримонов номли кутубхонада практик машғулотлар ўтказмоқдалар. Қ. Қосимхўжаев, Х. Мирсолиева, С. Ғаниева, Т. Эргашев, К. Шоқосимов каби студентлар кутубхона ишларида актив қатнашиб, кутубхонашуносликнинг сирларини мукаммал ўрганмоқдалар.

Ш. АРЗИЕВ

КИТОБ САВДОСИ —МУҲИМ МАСАЛА

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат матбуот комитети маслаҳатлар залида республикада китоб савдосини янада яхшилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бир группа нашриёт ва китоб савдоси ходимлари, ёзувчилар, журналистлар, китоб мухлислари қатнашди. Мажлис аҳли китоб савдосининг ҳозирги аҳволи ҳамда уни яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида ўзаро фикр алмашди, бу борада маълум тадбирлар белгиланди. Мажлисдан сўнг мухбиримиз Тошкент шаҳар китоб савдоси бўлимининг бошлиғи ўртоқ Эргаш Ризоев билан суҳбатлашди. У қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Шаҳримиздаги 24 та китоб магазини ҳамда 60 дан ортиқ киоска харидорлар хизматида. Ишчи ва хизматчиларимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан нишонлаш учун ғайрат қилмоқдалар. Маълумки, корхоналарда, ўқув юртларида, маҳаллаларда — барча ерда доҳийнинг ҳаёти ҳамда революцион фаолиятига бағишланган хоналар, бурчаклар, кўргазмалар ташкил этилмоқда, тантанали кечалар ўтказилмоқда. Бу соҳада уларга китоб савдоси ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқдалар. Магазин ходимлари В. И. Ленинга бағишланган хоналар, бурчаклар, стендлар тайёрлашда ҳам ташкилотларга яқиндан ёрдам беришади.

Шаҳримизда янги шинам китоб дўконлари барпо этиляпти. Бу соҳада бизга кардош қурувчи биродарларимиз ёрдам беришмоқда. Масалан, Навоий адабиётлар бўлимларида В. И. Ленин асарларининг рус ва ўзбек тилларидаги нашрлари, В. И. Ленин ҳақидаги ҳотиралар китоблари, доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишланган адабиётлар сотилмоқда. Масалан, Тула қурувчилари Чилонзорнинг 23-секторида муҳташам замонавий китоб магазини қуриб беришди. Бу ерда ҳозир ўн олти сотувчи ишлаб турибди. Саратов қурувчилари «Марказ-5» кварталида бунёд этган шинамгина китоб дўкони ҳам аҳоли хизматида. Шу кунларда Москва қурувчилари Пушкин кўчасида илмий-техника китобларн сотиладиган махсус магазин биносини бунёд этмоқдалар. Биз қардошларимиздан чексиз миннатдормиз.

Шу кунларда янги ўқув йили олдидан фарзандларимизни дарслик ҳамда керакли ўқув қуроллари билан таъминлаш ғамидамиз. Ҳозиргача тарқатилиши керак бўлган 113 номдаги ўқув китобларидан 53 номдагиси мактабларга юборилди ва юборилмоқда. Шунингдек ўқувчилар томонидан яхши сақланган дарслик ва ўқиш китобларини мактабдаги киоскалар сотиб олиб ўз навбатида уларни ўқувчиларга сотмоқда.

14 жилдан иборат Ўзбек Совет Энциклопедияси чиқарилаётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Унда халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг барча тармоқлари, Ўзбек халқининг бой маданий ва илмий мероси ҳақида муҳим маълумотлар берилади, унинг социалистик қурилиш йилларида эришган барча оламшумул ютуқлари, СССР халқлари билан қардошлиги ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқалари ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳозир бу китобга барча магазинларимизда заявкалар қабул қилинмоқда.

Шугина эмас, шаҳримиздаги барча китоб магазинлари ташкилотларидан, китоб мухлисларидан заявкалар қабул қилади ва уни бажаришга ҳаракат этади.

Шаҳримизда китоб савдоси соҳасида баъзи ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, бизда намунали китоб дўконлари етишмайди. Ҳамза районида ташкил этилганидан буён анча вақт ўтди. Аммо бу ерда шу пайтгача бирорта намунали китоб магазини ташкил этилгани йўқ. Қорақамиш Бешқайрағоч массивларида, Студентлар шаҳарчасида ҳам аҳвол ана шундай.

Китоб халқимизга нондай азиз. Бусиз ўз ҳаётини тасаввур этолмайди. Шундай экан, уларни китоб билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу соҳада бизга корхоналарнинг раҳбарлари ёрдам берсалар ёмон бўлмас эди. Чунончи, тўкимачилик комбинати, «Таштекстильмаш», трактор йиғув заводи, «Қизил тонг» фирмаси каби минглаб одам ишлайдиган улкан корхоналарда китоб магазинлари очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юзлаб ёшлар таълим олаётган олий ўқув юртларида ҳам китоб савдоси яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бу соҳада бизга ёрдам бериш ўрнига баъзи олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳалақит беришмоқда. Тошкент медицина институти раҳбарлари эса ўз биноларн олдидаги китоб дўкончасини олдириб ташлашди.

Китоб савдоси — муҳим масала. Уни ҳалда яхшилаш аввало китоб савдоси ходимларининг муҳим иши. Аммо бу соҳада бизга тегишли ташкилотлар айниқса, нашриёт ходимлари, улкан корхона ва олий ўқув юртлари яқиндан ёрдам берадилар, деган умиддамиз.

Мактаб оромгоҳи

Чилонзор районидаги 179-мактабнинг сўлим боғида пионер лагери ташкил этилди.

Лагерда бир юз эллиқта каравот, ўрин-кўрпа ўз вақтида муҳайё қилинди. Алоҳида катта синф хонаси болаларнинг тушки дам олиши учун ҳозирланди.

Мактабни оталикка олган пластмасса буюмлари заводи 4 та грибок, 2 та шийпон қуриб берди.

Шу кунларда пионер лагерида 150 бола дам олмоқда.

— Болаларнинг ёзги каникули жуда қушчақчак ўтади,— дейди мактаб директори Қобил Қосимов — Дам олувчи ўқувчиларимиз тоғларга, колхозларга, шаҳарнинг энг кўркам жойларига саёҳат қилдилар, турли тўгараклар ишида қатнашадилар.

Р. НЕЪМАТУЛЛАЕВ.

МАЙ СОНИДА

«Шарқ юлдузи»

«Шарқ юлдузи» журналининг бешинчи сони босмадан чиқди. Унинг дастлабки саҳифаларида Раҳим Бекниёзовнинг «Қалдирғочлар» қиссаси босилган.

Журналда Ҳ. Шарипов ўзининг янги «Сотволдидан салом» достони, Ҳ. Ғулом қатор шеърлари, З. Фатхуллин эса уч пардали «Орзулар» драмаси билан қатнашган.

«Ленинни жаҳон куйлайди» умумий сарлавҳаси остида турли миллат шоирларининг Ленинни мадҳ этувчи шеърлари босилган.

ЛЕНИННИ ЖАҲОН КУЙЛАЙДИ

Николай ЗИДАРОВ, болгар шоири.

АРАБ САҲРОСИДАН...

Қирмиз шафақларга югуртганча кўз,
Туясин етаклаб кезар кеч-наҳор.
Сарон чўли каби кийгани — оқ бўз,
Фирот дарёсидай кўзлари зангор.
Мана Қизил майдон, у қувонч билан
Боқди Мақбарага, тошар ҳаяжон.
Ленин билан дийдор кўришайин деб.
Юриб кетди аста зиналар томон.
Араб саҳроларин кезди-ю якка,
Қанча-қанча дарё, довонлар ошди.
Хаёлин жалб этмас муқаддас Мекка,
У Ленинга таъзим қилмоққа шошди.

Янош ФЕЛЬДЕАК, венгер шоири.

ИНҚИЛОБ ШАҲРИ

Керак эмас менга таржимон,
Тушунмас, деб қилмангиз ҳаёл.
Кўчаларни кезаман шодон.
Ленин шаҳри кўрсатар жамол.
Ҳар бир майдон, ҳар бир иморат
Кўз ўнгимда жонланар секин.
Шивирлайди дилим шу фурсат:
Юрганми шу йўллардан Ленин?

Кураш чоғи Смольний томон
Шу зинадан юрган эҳтимол.
У жилмайиб, кулгани замон —
Ғалабани сезишган яққол.
Кексаларга қиламан ҳасад,
Чунки улар Ленинни кўрган.
Йўлкаларга қиламан ҳасад,
Доҳий изин сақлашиб қолган.
Мавж урган, эй, Нева дарёси

Бугун сенга қиламан ҳасад:
Ленин юрган завод биноси —
Унутилмас абадул-абад.
Ҳасадимни яширай нега,
Бу ҳасадмас, аслида — ҳавас.
Чин юракдан ташаккур сенга
Ленин шаҳри— азиз, муқаддас!

Рауф ТОЛИПОВ таржимаси.

Кунлардан бир кун...

«СИЗ СОППА-СОҒСИЗ!»

Устод Шайхзода ёш истеъдодларни жуда юксак қадрлар, уларга худди боғбон ниҳолларга бўлгандай муносабатда бўлар эди. Бироқ ўзига ортиққа бино қўйган мақтанчоқ, такаббур, аммо ижодий меҳнатга қунти йўқ одамларни ёқтирмас, ундайлар суҳбатидан боғоят безиллар эди.

Энди биринчи китоби чиққан ёш шоирлардан бири дарров кеккайиб кетди. Ҳатто унинг китобчаси ҳақида газеталарда танқидий мақолалар босилганда, шоир мақола муаллифларини нодонликда, шеъриятни тушунмасликда айбларди.

Иттифоқо, республика ижодий союзлари қўшма пленуми кунлари у Шайхзодага ўз китобчасидан бирини тақдим этиб, танқидчилардан шикоят қилди:

— Булар мени ҳам шеърларимни ҳам тушунмаяпти. Ҳатто улар мени қолоқликда айблашяпти. Ўз замонида кўпгина гениларни ҳам тушунмаганлар, аммо улар ўз йўлларидан қайтмаганлар. Чунки гениаллик — касаллик!

Мақсуд Шайхзода ёш авторнинг китобчасини варақларкан уни кечагина диққат билан ўқиб чиққанини айтди. Сўнг қўшиб қўйди:

— Тўғри, гениаллик касаллик! Сиз ҳеч ҳафа бўлманг, худога минг марта шукурки, соппа - соғсиз! — Шу вақт ёнидан ўтиб кетаётган кишининг саломига одатдаги жавобни қилди:— Салом! Ўзларидан сўрасак?..

АЖОЙИБОТЛАР

◆ Майндаги Франкфурт жониворлар ва паррандаларни ҳимоя қилиш жамияти касаллиги туфайли Майорка оролига учиб кета олмай қолган бир қалдирғочни ёнидан кира пули тўлаб, самолётда жўнатибди. Қалдирғоч Испания соҳилида ўз тўдасига қўшилиб олибди.

◆ Парижда бир нашриёт директорининг кабинети эшигига шундай эълон осиб қўйилган. «Ҳатто қўл ёзмангизни қабул қилмаганимиз тақдирда ҳам, эшикни қаттиқ ёпмаслигингизни сўраймиз».

◆ Австралиялик Рожер Брэхэм хотинининг бир йўла биттадан ортиқ бола туғиш эҳтимолини страхование қилиб қўйган эди. У жуда ҳам бошорат қилган экан. Брэхэмнинг хотини бир йўла бешта бола туғди. Бу Австралия тарихида ягона воқеа. Лондондаги Леойд банки Брэхэмга бир йўла 446 доллар суғурта тўлади.

◆ Граф де ла Панузлар оиласининг Париж яқинидаги кўҳна қасрида «Эски буюмлар» деб ёзиб қўйилган яшик сўнгги йилларда мобайнида биринчи марта очиб кўрилди. Яшикнинг ичидан кўл ёзма ноталар чиқди. Мутахассисларнинг текшириб кўриши натижасида бу ноталар Фредерик Шопеннинг асл қўл ёзмалари — 1833 йилда ёзилган иккита вальс эканлиги маълум бўлди.

ОРЗУЛАР

З. ФАТХУЛЛИН.

ИККИНЧИ ПАРДА УЧИНЧИ КЎРИНИШДАН ПАРЧА

Ўша жой. Кечки пайт. Собир эшик олдидаги стулга ўрнатилган электр чироғини ёқади.

СОБИР — Жоннинг ҳузури. На керосину на лампа, на пилигу на гугурт керак. (Бармоқларини қарсиллатиб). Шундай қилсанг, чиқ этиб ёнадию олам гулистон.

Санақул киради.

САНАҚУЛ — Раис бормилар?

СОБИР — А? Абдурайим дейсизми? Йўқ омборга кетди.

САНАҚУЛ — (бақириб). Раисни сўраяпман, раисни?

СОБИР — Бақирманг-э, кар эмасман-ку. Ҳозир келиб қоладилар. (Электр чироғини кўрсатиб). Мана буни қаранг. Санақул. Кундузига кундошлик қилади-я. Сизнинг уйингизда ҳам борми?

САНАҚУЛ — Бусиз ҳам кўнглим ёруғ, Собирвой.

Собир оғилхонага кириб кетади. Умаржон киради.

УМАРЖОН — Ҳа, Санақул ака, қандай шамол учирди? Ҳомуш кўринасиз. Тобингиз йўқми?

САНАҚУЛ — Дардга бедавога йўлиқдим, раис.

УМАРЖОН — Э, бу дарднинг давоси осон —бир парча қоғоз, ариза, колхоз. (Пауза). Сиз ёлғиз қолдингиз Санақул ака. Ёлғизнинг йўли хатарли, кўпчиликнинг йўли ёруғ. Ёруғ йўлга ўтинг.

САНАҚУЛ — Мен, чангим чиқмаса, эди, деб юрибман, раис.

УМАРЖОН — Ҳа, нима бўлди?

САНАҚУЛ — Ҳў, анавида бир оғиз гапириб тоза балога қолдим-да. Ҳар куни терговга чақиришгани чақиришган. На юришимда ҳаловат бор, на туришимда... Шундай саволларни беришадики, ҳар биттаси учун қоқ пешонамдан отилишим керак.

УМАРЖОН — Худо сақласин-э. Ким чақиряпти?

САНАҚУЛ — Муродбековга ўхшаган шарт-шуртлардан битаси-да.

УМАРЖОН — Нима дейди?

САНАҚУЛ — «Колхозга, ҳукуматга қарши ҳуруж қилган ашаддий душмансан» дейди. Қайнағам билан Сулаймонқулни ҳам гувоҳликка чақиришибди.

УМАРЖОН — Улар нима деди экан?

САНАҚУЛ — Э, иложи бўлса-ку, улар мени тириклайин гўрга тиқиб қўярди-я, «Яхшиликча айбномага қўл қўй. Қўймасанг у ёғини ўзинг биласан», дейишди. «Райондан четга чиқмайсан» деб тилхат олишди. Сизни яқин кўриб маслаҳат сўраб келиб эдим, раис.

УМАРЖОН — Ҳали шундақа денг?... Оббо иблислар-эй!..

САНАҚУЛ — Имонсизларни қаранг.

УМАРЖОН — Беш қўл баравар эмас Санақул ака... Майли, ҳафа бўлманг. Эртага бориб гаплашиб кўраман.

САНАҚУЛ — Қуллуқ. Яхшилигингизни ўлгунимча унутмайман, раис.

УҒИЛХОН (идорадан чиқиб) — Умаржон ака, сизни телефонга чақиришяпти.

УМАРЖОН — Отангизни кўрдингизми?

УҒИЛХОН — Ҳа, кўрдим.

УМАРЖОН — Нега салом бермадингиз.

УҒИЛХОН — Буни ўзларидан сўранг.

УМАРЖОН — Аввал сиз айтинг.

САНАҚУЛ— Қўйинг, раис, қийнаманг. Бу агрономингиз чақимчиликни яхши кўрадилар.

УМАРЖОН — Шунақа денг? Сизга нима бўлди, Ўғилхон?

УҒИЛХОН — Дадамга фарзанд эмас, молу дунё керак.

САНАҚУЛ — Ахир, сиз ҳам колхозни бадавлат қиламиз, деб ўзингизни ўтга-чўққа уриб юрибсиз-ку.

УҒИЛХОН — Яхшики, колхоз бор экан.

САНАҚУЛ—Ҳа. колхоз бўлмаса оҳдан ўлармидик?..

УҒИЛХОН — Юринг энди, Умаржон ака. Кутиб туришибди. (Ичкарига кириб кетади).

УМАРЖОН — Бу масалада қизингиз ҳақ, Санақул ака. Колхоз бўлсангиз дўстларингиз кўпаяди. Душманларингиз тили қисиларди, балки мана бу ғавволар ҳам бартараф бўлиб кетарди.

САНАҚУЛ — Бу гапингиз тўғри-я, бироқ бўлмайди-да, раис!

УМАРЖОН — Нега бўлмайди?

САНАҚУЛ — Ахир, мен бу маҳмадонангизни оқ қилиб, уйимдан ҳайдаганман.

УМАРЖОН — Фарзанддан кеча олармидингиз?

САНАҚУЛ — Келиб колхозга кирди...

УМАРЖОН — Сиз ҳам киринг.

САНАҚУЛ — Тавбангизга таяниб, кетимдан энди ўзингиз ҳам келдингизми, деса нима дейман?

УМАРЖОН — Ҳечқиси йўқ. Аполқ-чапоқ бўлиб кетасизлар.

САНАҚУЛ — Икки дунёда ярашмайман. Ахир мен... (Ўғилхонни кўриб қолади).

УҒИЛХОН (эшикдан бошини кўрсатиб). Умаралижон ака, обкомдан чақиришяпти.

УМАРЖОН — Ҳозир! Оббо сизлар-эй! (Кириб кетади). Пауза.

САНАҚУЛ — Ажабо!.. Бировлар колхозга киритмоқчи, бировлар турмага қамамоқчи... Энди қайсиси устун чиқаркин. Яхшиликми ё ёмонлик? Йўқ, Санақул, иккиланма. Тарозининг яхшилик тоши қўйилган палласини бос! Фурсат ғанимат. Майли, қизинг билан ярашмасанг ярашма, лекин колхозга кирмай иложинг йўқ. Кўпчиликдан айрилма. Айрилганни бўри ер. (Ўрнидан туриб ичкарига кирмоқчи бўлади). Бегмат кириб қолади.

БЕГМАТ — Хўш куёв, жиян билан ярашдингизми? Ё ҳали ҳам...

САНАҚУЛ — Қўйинг, номини ҳам эшитмай.

ҲАЁТ ТАНТАНАСИ



...У ўрта мактаони битирганидан сўнг Ленинград шаҳридаги Бадиий академияга кириб ўқишни, келажакда ҳайкалтарош бўлишни ният қилиб юрарди. Бироқ... тақдир санъатсевар боланинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга монелик қилди. Тўртинчи синфни тамомлаган йили тўсатдан Қосимжоннинг оёқ-қўли, бели ишламай қолди. Таниқли ҳакимлар унда полкатрит касали борлигини аниқладилар.

Узоқ йиллик даволашлар қабул қилинган дори-дармонлар фойда берди. Қосимжоннинг бели ва чап қўли ишлайдиган бўлди. Бу билан у ҳаётда дастлабки ғалабага эришди. Энди унинг дилида яна ёшлигидаги умид гуллари ғунчалай бошлади.

1953 йили эзгу ният йўлидаги машаққатли уриниш лардан сўнг Қосимжон «Бола ва қайтар» деган ҳайкал яратди.

...Ойлар, йиллар ўтди. Дилида ҳаёт ишқи ижод иштиёқи тўлиб-тошган Қосимжон янги-янги асарлар яратди.

1964 йили Қосимжон Мирзараҳимов Тошкентдаги рассомлик билим юртини сиртдан имтиҳон топшириб ва мазкур даргоҳда уч йил таҳсил кўрди.

Кўргазмада ҳайкалтарошнинг «Она», «Механизатор», «Тинчлик учун», «Сут соғувчи», «Фидель Кастро», «Автопортрет» каби 16 та асари намойиш этилди.

Ҳа, ҳаёт тантана қилди, орзу-умидларга, яхши ниятларга бой, меҳнат ва ижодларга тўла инсон қалби ғолиб келди. Матонат, жасорат, ҳаётга муҳаббат ғалаба қозонди.

О. ҲУСАНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Қосимжон Мирзараҳимов «Замондош портрети»ни ниҳоясига етказмоқда.

* * *

Шоира ЗУЛФИЯ.

* * *

«Сут соғувчи».





Ҳ. ШАРИПОВ.

СОТВОЛДИДАН САЛОМ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА).

Мана, навбат етди менга,
Юраккинам, дадил бўл!
Илжайиб қўл чўздим унга.
У илжайиб берди қўл.
Ниятимни тушунтирдим.
Ҳурсанд бўлди у ғоят.
Эл тарқади.
Кутиб турдим.
Йўлга тушдик ниҳоят.
Жилва қилиб яшил олам
Кўздан қувар уйқуни...
Бу орада Сотволди ҳам
Тузиб бўлди нутқини:
«Бригадамиз аъзолари
Туриб шонли вахтада,
Мавжуд барча ёшу қари
Ишга чиқиб вақтида,
Олинажак мўл ҳосилга
Пухта замин яратдик.
Эътиборни шона, гулга,
Техникага қаратдик...»
Э-ҳе!
Қани, менми — сизми?
Гаплар зўр-ку! Ҳа, пухта:
«...Ва айниқса — ёздингизми,—
Суғоришда чопиқда
Абророва Кўлайчахон,
Болтабоев Бахтиёр,
Исматова Нурижаҳон,
Келдиева Зулхумор.
Ҳамда бошқа ўртоқларнинг
Катта бўлди хизмати.
Булар сира, — ёзиб қўйинг,—
Интизомни бузмади».
— Хўп бўлади: яни, ризқ-рўз
Унмас, юрсанг лақиллаб...
Қолаверса, қўшни колхоз
Ташаббусни маъқуллаб,
Оширилган мажбурият
Олгандирсиз албатта.
Бу ҳақда ҳам ширин суҳбат
Қурсак бўлар бўш вақтда.
«Яъни нега? Э-ҳа! Иҳм...»
Сотволди сал қизарди,
Ўз тилидан илинганин
Ўзи яхши сезарди.
Уч-тўрт қадам йўл, босди-да,
Менга бокди мунғайиб:
«Бўш вақтда, денг? Тўғри жуда!
Шошилтирдим...
Менда айб!
Доим сўқмоқ излаймиз биз,
Равонгина йўл туриб.
Узоқ ўйлаб ўлтириб».
— Гап ундамас! Қалбингизни
Ўрганган келганман,
Мен — қалб деган зўр денгизни.
Забт этувчи елканман.
Мен ёзмайман жўн мақола
Тўкиб кўзим нурини!
Тушунтириб бера қолай
Сизга касбим сирини:
Шоир зоти фавқулодда
Ҳукумдорга ўхшайди.
Фараз қилинг —
Бир қишлоқда
Бир нозанин яшайди:
Шу қишлоқлик бир бўз бола
Уқишини битириб
Магазинга кириб қолар
Йўлбоп либос қидириб;
Қараса-қиз!
Кўзи тинар,
Титрай бошлар бармоғи;
Юрагини эса тилар
Илк муҳаббат қармоғи;
Сўнг — бедорлик... «Жигарпора»...
Врачлар ҳам ҳайратда...
Ўзим топиб дардга чора,
Бир кун қизни хилватда
Абгор бўлган йигит ила
Учраштириб қўяман, —
Ҳилол сочиб кўкдан шуъла,
Қуш термилар уядан;
Кейин қуёш чиқар пешвоз
Маъшуқа ва ошиққа;
Кейин пашша тўшар бехос
Севишганлар ошига;
Маҳаллада пулдор бўйдоқ
Пайдо бўлиб қолади;
Червонини қилиб байроқ,
Қизга човут солади:
Қизнинг ота-онаси ҳам
Таслим бўлар бойликка;
Ошиқ йигит эса шу дам
Зарда қилиб қайликка,
Аскарликка жўнар... Йўқ, йўқ,
Кетиб қолар ўқишга;
Қиз ҳам тўйга кўнар... Йўқ, йўқ,
Рози бўлмас бу ишга;
Кейин ҳар хил мулозимат,
Тортишувлар, аразлар,
Сеп ва қалин, тама, ҳиммат.
Ғийбат, орзу-ҳаваслар...
Тўй... Биласиз гўёки келин
Бермаганди розилик;
Кўриб қўяр тўйда ўзин
Осиш учун ҳозирлик;
Куёвнавкар деган карвон
Кўринганда узоқдан,
Қиз тайёрлаб қўйган арқон
Ғойиб бўлар қазноқдан;
Тўй!.. Ҳофизлар авжга чиқар,
Чилдирмалар янграр шўх;
Куёв тўрда виқор тўкар,
Келин эса... Келин — йўқ!
Келин — ана! Кириб борар
Қора туннинг қўйнига,
Қора кишан каби ботар
Марвариди бўйнига,
Етиб келди — ана— кўлга,
Ҳозир — мана— ўлади!
Йигит шу пайт каникулга
Келаётган бўлади...
Севишганлар отилади
Бир-бирининг бағрига,
Ташвиш-ғамлар отилади
Қора кўлнинг қаърига.
Ютолмаган балиқ бизда
Севги деган олтинни!..
Касбимизни энди сизга
Тушунтира олдимми?

Қалдирғочлар

Қиссадан парча

ЎРОЗ қақанинг назарида, Қоракум сувиллаб қолгандай. Қўралар бўм-бўш, овқат учун қолдирилган йигирма-ўттиз қўй ўзлари ўтлаб, ўзлари қайтиб келишади. Туялардан Фақат қудукчи бувра қолган — чангалзорда тушовли оёғини судраб ўтлаб юради. У ҳам қудук оғаси ихтиёрида.

Ўта кув ва баттол одам қудук оғаси. Йигитлар қароргоҳида учтўрт кун ортиқ туриб қолгудек бўлишса, «Чувалдағиларни еб тамом қилдиринг, энди очдан ўламиз», деб айюҳаннос солгани-солган. Ахир, бошқалар ишлаб турса унади-да, уники. Ҳар сафар умумий тақсимотда текканидан ташқари, яна қар-кимдан ўзига «чўмич улуши» ундириб олади. Бир саноч қалта тилло йиққанмиш! Уроз қақанинг нафи тегмагани учун бир чўмич шўрва билан бир қумғон сувни жонини суғурғандай оғриниб беради. Ит феъл. Хуллас, икки чолнинг моши очилмайди. Хусусан, Уроз қақа Халиманй ютиб олганидан бери-ку қақани кўрган кўзи йўқ унинг. «Халимани менга олиб беринг», деб хон оғаниг қўйнидан кириб, қўнжидан чиқиб юрганмиш. Бир фалокатни бошламаса эди, деб қадиксираб юради ундан Уроз қақа. Бундай баднафснинг қўлидан ҳар иш келади!

Уроз қақа бир неча кундан бери эртаю кеч куйманиб. ўз ертўласидан ўттиз-қирк қадам наридан янги ертўла қазиётган эди.

— Қабр қазияпсанми?— деб ҳазиллашишарди унга бекорчи йигитлар.

— Кимга қабр, кимга оромгоҳ, бўтам.

Баъзиларга эса:

— Аннамурод оёққа туриб қолди. Бирга туришимиз тўғри келмай қолди,— дерди қақа.

Қақанинг рақиблари эса буни бошқача йўйишарди. «Аннамурод қақанинг суюклисига қўл чўзганмиш. Зап келиштирибди, валламат! «Бу ғийбат хон оғанинг қулоғига ҳам етди.

Хон оға Аннамуродни кўргани келди.

— Шукур, анча тузалиб қолдим, оға,— деди бемор ўрнидан туриб ўтираркан.— Лекин анов ўрис хотин бўлмаса...— Аннамурод бу ёғини айтмади.

— Ўрис хотин нима қила биларди! Оллога шукур қил, лодон!.. Сизга нисбатан ҳам нонкўрлик қилибди. деб эшитдим, шу гап тўғрими, қақа?— Хон оғанинг қайфи чоғ эди.

— Менга дейсизми? Йўқ-эй...

— Ҳа, энди... ёш йигит бўлгандан кейин... қилади-да... Сенинг отинг ким эди?— Халимага имо қилди хон оға. — Ҳовва, Ҳалима дегин. Ҳалима ҳам ёш...

Ҳалима ташқарига чиқиб кетди. Хон оға унинг кетидан бақрайиб қараб қолди:

— Ҳалимага қўл чўзган эмишсан-ку, уятсиз!— деб Аннамуродга пўписа қилди.

— Ҳазрати Саид Маҳмуд урсин, агар шу кунглимга келган бўлса!— деди Аннамурод қасам ичиб.

Бу қасам босмачилар учун онтларнинг отаси эди. Хон оға ҳам қўрқарди бу онтдан. Унинг эти жимирлаб кетди. Ертўлага қабристон жимлиги чўкди.

— Гап ундай эмас, бундай хон оға. Арзимни тингласангиз айтаман,— деди Уроз қақа қўлларини кўксига қўйиб.

— Айтавер.

— Ҳалимани ҳечкимнинг қўлидан тортиб олган эмасман. Узингиз кўрдингиз, отиб олдим...

— Мерган дейишарди сени. Ҳовва, ишондик.

— Шундай экан, қиз меникими? Меники. Узингиз белгилаган тузук шуми? Шу. Баъзи жалатайлар* на тузукка, на мусулмончиликка амал қилишади. Мен жалатай эмасман. Лекин жалатайларни тийиб қўйишга қурбим етади... Гап шунчаликка борса, яхши бўлмас. Уларнинг жиловини ўзингиз тортиб қўйинг, хон оға.

Хон оға Аннамуродга ўқрайди:

— Нега мени лақилатасан, қасам ургир.

— Говиришманг, хон оға. Аннамурод гуноҳкор эмас. Қайтага сизлар билан бирга туришим яхшимас, мен бу ердан кетай, дейди бечора. Унинг ўз дарди ўзи билан. Шунинг учун бўлак ердан ертўла қазияпман. Бошқа йигитларни айтяпман, сизга... Тинч қўйишмайди. Мендан кулиш учун ҳам ҳалиги уйдирмани тўқишган улар. Ўз ор-номусимни қўриқлашга мажбурман!

Қақа қайнаб кетган эди. Бундай қаттиқ ва тик сўзларни бошқа вақтда кечирмайдиган қўрбоши Уроз қақани юпатиб чиқиб кетди.

Дарҳақиқат, Ҳалима қақанинг бир ташвишини ўн қилди. Ҳамма унга кўз тикиб, Уроз қақага ҳасад қилишади. Бири кетса, бири келади ертўлага. Кеча-кундуз кўз очиришмайди. Баҳона бемор кўриш. Уялмай-нетмай бақрайиб ўтираверишади. Бўрининг домига тушган қўйдай типирчилайди. Ҳалима бечора. Чиқиб кетади. Қақага эргашиб қўй боқади. Қақага ёлворганн ёлворган. Уроз қақа, садаф ичидаги дурдек кеча-кундуз ўз пинжида асраяпти уни. Янги ертўлани ҳам Ҳалимани эҳтиёт қилиш учун қуряпти. Унга тезроқ кўчиш керак.

Хон оғанинг бугунги келиши ҳам Уроз қақага бежорок гуюлди. Буни Ҳалима ҳам сезиб, чиқиб кетган эди. Дарвоқе Уроз қақа билган Дурдиқилич шу бўлса, ҳеч қандай разилликдан қайтмайди у. Фақат бир андиша жиловлаб турибди уни: мабодо Ҳалимага дахл қилгудек бўлса, гапининг таъсири қолмайди. Шу важдан қарокчилар ўртасидаги эски қондага — тузикка писанда қилди қақа. Яхши қилди.

Уроз қақа билан Ҳалима кигиз, қурқун, пўстин ва бошқа лашлушларни кўтариб, янги ертўлага кўчиб ўтишди.

— Янги уй муборак.— дея Валя келиб қолди.

— Бемор одамни кўп безовта қилмайлик дедик,— деди Уроз қақа теварак-атрофдан мўралаётганлар эшитишсин учун жўрттага овозини кўтариб.—Уйни бир кўриб чиқмайсизми, ойим тўра?

— Кўрганман. Яраснн қайтадан очиб боғлаш керак, дори йўқ.

— Карвонбоши ботмон-ботмон милтиқ дори келтиради-ю, бир мисқол жон дориси келтиримайди-я! Майли, қўйлардан хабар олгани кетяпман, исванд териб келарман.

— Сиз ўз ишингизга кетаверинг. Исвандингни яхшисидан ўзим топиб келтираман.

— Ундай бўлса юра қол, отинча. Қўйларни ҳайдаб келамиз.

Валя бир томонга, Уроз қақа билан Ҳалима бир томонга кетишди. Аммо улар бир неча қумтепаларни айланиб, Салангтепа ён бағрида яна учрашишди. Уроз қақа аждарҳо илон гавдасидек товланиб ётган йўғон саксовул тагини қовлай-қовлай шовиллаб эшитилаётган қум остидан ўраб боғланган кигизини тортиб олди. Кигиз кетидаги милтиқ ва ўқларга Валя билан Ҳалиманинг кўзи тушганда улар ҳаяжондан нафасларини ичларига ютиб. гангиб қолишди.

— Учовингизга уч бешотар, уч юзта ўқ.

— Вой, мен отишни билмайман-ку?—дея Ҳалима ҳайрон бўлиб дугонасига қаради.

— Сенга зўр отинча бўлишни ўргатган буванг отишни ҳам ўргатади, айланай.

Уроз қақа ўқ-яроқларни бисотида бор-йўқ бойлик бўлган бир қанча тилла тақинчоқларга карвонбошидан хуфия айирбошлаб, шу ерга келтириб кўмган эди.

— Тожигулга атаб олиб қўйган эдим... Равшанбойнинг хазинасидан. Майли, қизимни топишга яраса бас... Дарвоқе, оғриқдан кейин кўзига «меҳмон» тушганди... Тузалиб кетдимикан?

— Докторга боқизиб, ойдек қилишган,— деди Ҳалима.— Бирам ширилатиб китоб ўқийдики!

Уроз қақанинг ўйчан кўзлари кун ботиш олдидаги уфқдан балқиб кетди:

— Қизгинамни бир кўриб ўлсам, армоним йўқ! Лекин Дурдиқилич қутуряпти чамамда. Шошилиш керак!..

Ж а х о н ойнаси

Дўстлик йўллари

БУДАПЕШТ (АПН мухбири). Венгрия мутахассислари келгуси йилда қурила бошлайдиган ва 1972 йилда қурилиб тугалланадиган нефть қувурлари ётқизиладиган «Дўстлик—2» йўл лойиҳасини тузиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу СССР ва ВХР халқлари ўртасидаги яқин иқтисодий алоқалар рамзи бўладиган иккинчи «Дўстлик» нефть провордидир. Бу ҳамкорлик самараларини Венгрияда ҳар қадамда учратиш мумкин.

Мамлакат йўлларида Совет мамлакатида ишлаб чиқарилган ўн минглаб енгил ва йигирма мингдан кўпроқ юк машиналари ғизиллаб юрибди, далаларда минглаб трактор ва комбайнлар ишлаяпти. Венгриялик ҳар икки фотоаппаратнинг бирида Москва ёки Киев заводларининг фотокамералари бор. Бизда «Слава» ёки «Полёт» соатларини, «Сокол» транзисторини туғилган кунда берилиши мумкин бўлган энг яхши совға деб ҳисоблайдилар.

Фан ва техника соҳасидаги Венгрия—Совет ҳамкорлиги бизда саноатнинг янги соҳаларини юзага келтириш, йирик завод ва фабрикалар қуриш, илгари Венгрияда ҳеч ким билмаган касбларнинг пайдо бўлиши учун ёрдам берди. Республикамизнинг Совет Иттифоқининг бевосита иштирокида қурилган корхоналарида ҳозир 34 процент чўян, 18 процент металл, 72 процент минерал ўғит, 19 процент қоғоз, 32 процент шарикли подшипник ишлаб чиқарилятти. Бу корхоналарнинг кўпчилиги ички бозорни ўз маҳсулотлари билан тўла таъминлабгина қолмай чет эларга ҳам экспорт қилмоқдалар.

Венгриянинг СССРга қилаётган экспорти йил сайин ўсиб бормоқда. Биз 100 совет кишисидан учтасининг Венгрия пойафзалини киязётгани, қардош мамлакатда Венгрия дори-дармонлари, озиқ-овқат саноатининг маҳсулотларн шуҳратли бўлиб қолгани билан фахрланамиз.

Габор САТМАРИ.
Венгер журналисти.

НИМА ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН

Перу ҳукумати Қўшма Штатларнинг таъйиқи қучайиб бораётганига қарамай ўз экономикасини муҳофаза қилиш мақсадида Шимолий Америка монополиясининг келиб жойлашувига қарши янги зарур чоралар кўришда давом этмоқда.

Бундан бир неча йил илгари АҚШ кўрсатмаси билан тропик Сельванинг аҳолиси кам бўлган районларидан ўтадиган дабдабали шоссе қурила бошлаган эди. Бу Шимолий Америкининг бозор компаниялари учун жуда фойдали бўлган лойиҳаларнинг бири эди. Аммо у мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий талабларини оқламас ва бу талаблардан келиб чиқмасди. Перулик лар экономика учун зарур бўлган суғориш системалари ва оддий йўлларнинг йўқлигидан, энергия етишмаслигидан жафо чекаётган бир шароитда фақат янкилар учун керакли бўлган бу шоссе қурилиши Перу миллий экономикасининг баданидаги қон оқиб турган яра бўлди. Шимолий Америка компаниялари бу йўлни қуриб Перунинг камбағал хазинасидан ётқизилган ҳар бир километр йўл учун 9 миллион соля пул ўмарар эдилар. Ҳолбуки унинг одатдаги нархи 1—2 миллион солядан ошмас эди. (1 доллар — 43 соля баҳосида). Перулилар АҚШ нинг қурилишда банд бўлган бениҳоя кўп сонли техник ходимларини боқиш учун катта ҳаражатлар қилди.

Бироқ, ҳар нарсанинг чегараси бўлади. Ҳаддидан ошган пудратчи компаниялар 400 миллион соля миқдоридаги қандайдир «қўшимча счет»ларни кўрсатганиларидан кейин перуликларнинг ҳам сабр косаси тўлиб-тошди.

Яқинда транспорт министри Анибаль Меса Куадра бундан кейин қурилишдаги ишларни перулик инженерлар назорат қилиб туришини, йўл чизиғи мамлакат учун фойдали томонга қараб ўзгартирилишини ва пудратчиларнинг бу қурилишни уятсизларча бойлик ортдириш воситаси сифатида фойдалашларига чек қўйилишини айтди.

Шунингдек, Перу маъмурлари Американинг «Серро де Паско Корпорейшн» деб аталган кончилик компаниясига қарашли ерлар ва чорва молларини национализация қилиш ҳақида ҳам қарор қилдилар. 96 минг гектардан кўпроқ ер ва ўн мингдаб бош чорва моллари ҳукумат назорати остига олинди. Рост национализация салмоқли пул тўлаш шарти билан ўтказилди. Аммо бу фактнинг ўзи янги мустамлакачилар дидига хуш келмади.

Перу ҳукуматининг АҚШ капиталига қарама-қарши қилиб, саноатда давлат секторини бундан кейин янада ривожлантириш ниятида бўлиши Қўшма Штатларнинг «бошини янада оғритириброқ» қўйди. Перу ҳукумати чет элликларни банкалар системасидан ҳам қисиб чиқариш ниятида.

Буларнинг ҳаммаси Перуда қўйган пуллари 600 миллион доллардан ошган шимолий американлик йирик бизнесменларни алангани оташ қилиб ётқизиб қўймоқда ёки совуқдан қалтиратмоқда. Янкилар бу ерда ҳали ҳеч қачон бундай «алғов-далғов вақтларни бошларидан кечирган эмас эдилар. Аммо нима эксанг шуни ўрасан деб бежиз айтилмаган-да.

Н. ЛЕОНОВ.
АПН мухбири.



Бухарестда совет грампластинкал а р и кўргазма - савдоси очилди.

Кўргазма экспозицияларида В. И. Ленининг нодир нутқлари ва унинг сафдошлари хотиралари ёзилган пластинкалар ҳамда пролетариатнинг буюк доҳийси образини яратган бадиий мусиқали асарлардан фрагментлар ёзилган грампластинк а л а р қўйилган. Кўргазмада СССР халқлари мусиқаси, камер ва симфоник мусиқаси ёзилган пластинкалар, эстрада ва рақс куйлари пластинкалари бор.

СУРАТДА: томошабинлар кўргазманн кўздан кечиришмоқда.

Аджерпресс —ТАСС фотоси.

Серташвиш кунлар

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари турдан турга кескинлашиб боряпти. Ишқибозларнинг ҳам ҳаловати бузилди. Улар учун серташвиш кунлар бошланди.

Ташвиш тортмай бўладими? Ахир, бундан бир тур аввал «Пахтакор» турнир жадвалининг 4-ўрнида келаётган эди. Бундан ҳаммани кўнгли тўқ эди. Кутаиси шаҳридаги мағлубият эса командамизнинг 7-ўринга тушириб қўйиб, грузин футболчиларини хавфли зонадан 4-ўринга олиб чиқди. Ана шундай. Ҳозирги пайтда бирор ўйинда қоқилиш ҳар бир командани танг аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Шу кунга келиб, олий лигадаги 20 коллективдан фақат Киев ва Тбилисининг «Динамо» си, Москва ва Ростов армиячилари ҳамда пой тахт спартакчиларигина қолган ўйинларни хотиржамлик билан ўтказишлари мумкин. Бошқа командаларнинг ҳаммаси ҳар бир ўйинда гоҳ пастга, гоҳ юқорига кўтарилиши шубҳасиздир.

Келинг, гапни 1-группадаги аҳволдан бошлайлик. Мусобақа жадвалининг 4-погонасида турган Одесса қора денгизчилари 12 очко тўплаганлар. Жадвалнинг 9-ўрнини эгаллаб турган арман футболчиларининг эса улардан бор - йўғи 2 очкоси кам. Ана шунинг ўзи ҳар бир ўйинга зўр масъулият билан тушиш лозимлигини тақозо этмоқда. Акс ҳолда бир ғалаба бир коллективни юқорига олиб чиқади, бир мағлубият эса иккинчи бир коллективни турнир жадвалининг охирига тушириши мумкин.

Кейинги тур ўйинларидан бошлаб Куйбишевнинг «Крилья Советов» футболчилари ҳам ўзларига «кела бошладилар.» Совет футболига жуда кўп талантли чарм тўп усталарини етказиб берган бу шаҳар футболчилари ниҳоят ўз мухлисларини севинтиришаётир. Улар Москва динамочилари ва армиячилари устидан ғалаба қозониб, 4 очко олишга муваффақ бўлдилар.

Хўш, 2-группада аҳвол қандай? Ўтган тури ўйинлар жадвалининг бошига Москванинг «Спартак» командаси чиқиб олди. Улар «Зенит» устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Спартакчиларнинг тўплаган очкоси 19 тага етди. Тбилиси динамочилари «Қайрат»нинг курагини ерга теккиза олмай доғда қолди. Қозоқ футболчилари муҳим 1 очкони қўлга киритишди.

Мавсум бошида жуда бўш ўйин кўрсатган пойтахт автозаводчилари ўзларини ўнглаб олдилар. Ўз ҳамшаҳарлари— «Локомотив» футболчиларини 3:0 ҳисобида енган «Торпедо» коллективи 12 очко билан 3-ўринда бормоқда. Уларнинг кутаисилик клубдошлари ҳам шунча очко тўплаган. Бу ерда яна бир қизиқ мисолни келтириб ўтиш керак. 2-группада 3-ўринни эгаллаб турган Москва торпедочиларидан 9-ўриндаги «Зенит» футболчилари ўртасидаги очколар фарқи атиги 2 очко қамдир. Биринчи группада бўлганидек, иккинчи группадаги командалар ўртасидаги рўй берган ҳолат ҳам бир-бирига жуда ўхшайди.

Энди «Пахтакор» ҳақида икки оғиз сўз. Командамиз ўзгалар майдонидаги 3 та қийин ўйиндан 2 очко олиб қайтиб келди. Уларнинг кейинги 2 ўйинни ишқибозларни ҳафа қилиб қўйди. Чунки, пахтакорчилар шу ўйинда 6 та тўп ўтказиб юборибб, рақиблар дарвозасини атиги 2 марта нишонга олдилар. Командамизнинг ҳимоя линияси «дарз» кетди шекилли. Лекин бу ерда командамизнинг ҳужум линиясидаги илгариги тиришқоқлиги қани деган ҳақли савол туғилади. Ахир, «Пахтакор», ҳужуми бир вақтлар оғизга тушган эди-ку! Командамиз ҳужумчилари 12 ўйинда 11 та тўп уришибди. Бу командамиз учун кам эмасми-кин?

«Пахтакор» сафардаги мағлубиятдан хулоса чиқариб, қолган ўйинларни жуда масъулият билан ўтказиши керак. Акс ҳолда уларнинг аҳволи ёмонлашуви мумкин. Чунки, командамиз Тошкентда «Шахтер», «Зенит» ва «Локомотив» билан учрашгач, ўзгалар майдонида ўйнайди. Шу сабабли улар Тошкентда қизиқарли ва чиройли ўйин кўрсатиб ишқибозларини мамнун қилишлари лозим. Чунки, тошкентлик футбол ишқибозлари ҳам ҳозир ўз командаларининг тақдири ҳақида ўйлаб, унинг кучли ва ожизликка киришини кузатиб турибдилар. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон футбол шайдоларининг нигоҳи «Пахтакор»нинг ҳар бир ўйинига қаратилгандир. Шу боисдан ҳам улар учун серташвиш кунлар келди.

С. ЁҚУБОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

9 ИЮНЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Бу қишлоқ учун зарур» деган эшиттириш (русча). 18.10 Изабелла Петросян чалади. 19.20 бахтиёрлик қўшиқлари (Ўзбекча) 20.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. 20.40 Ёшлар учун концерт (русча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (Ўзбекча). 21.10 Дала механизаторлари учун концерт. 22.30 «Янги ёзиб олинган асарлар» (Ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Куйлардан-қўшиқларга. 19.30 «Юрий Симонов дирижёрлигида» деган эшиттириш (русча). 20.00 Вьетнам ёзувчиси Ву Ту Намнинг «Бурилишда» номли ҳикояси (тожикча). 20.20 «Дугоҳ» мақомидан парчалар. 21.00 «Мен —коммунист» деган радиокомпозиция (Ўзбекча). 21.40 Москва.

10 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Лирик қўшиқлар. 8.25 Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси эстрада оркестрининг концерти. 9.30 С. Бобоев. «Байрам куни» симфония поэмаси. 10.30 Ўзбекистон артистлари ижросида рус композиторлари операларидан парчалар. 11.15 «Институт ва лабораторияларда» циклидан эшиттириш (Ўзбекча). 11.30 Х. Тўхтасинов қўшиқлари. 13.30 Электр музика асбоблари ансамбли солистларининг концерти. 15.15 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). 15.30 С. Аҳмад «Хазина» ҳикояси асосида радиоинсценировка (Ўзбекча). 16.10 «Композитор Фаттоҳ Назаров» деган концерт-очерк. 16.50 «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Чўлга ҳужум давом этмоқда» деган эшиттириш (русча). 18.10 Клаудио Вилла куйлайди. 18.40 Спорт эшиттириши (Ўзбекча). 19.20 Б. Бровцин: «Семург» балетидан парчалар. 20.00 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. 20.40 Ёшлар учун концерт. 21.00 «Ленинпома» программаси (русча). 21.30 «Қишлоқ меҳнаткашлари, сизлар учун» деган концерт. 22.20 Рақс куйлари. 22.40 Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. И. С. Тургенев ҳикояларн (Ўзбекча). 23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус композиторлари балетларидан парчалар. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 Назармат. «Ҳаёт ҳикояси» поэмаси асосида радиоинсценировка. 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20.50 «Элен соҳилидаги шаҳар». Қозоғистон радиосининг эшиттириши (русча). 21.00 Гафур Ғулом Ҳамид Олимжон ҳақида деган адабий эшиттириш (Ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 1. «Мамлакатимизнинг 20 ва 30-йилларидаги мусиқали ҳаёти» деган эшиттириш 2. В. Палтанавичус. «Айрилиш» операсининг монтажи. 17.30 Оркестр куйлари.

Телевизор

9 ИЮНЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун. «Салом, пионер ёзи» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.00 Телевизион янгиликлар. 19.15 Совет Армияси жангчилари учун «Барча тўсиқлар ошса» деган телефильм. 19.45 Реклама. 19.50 Ўзбекистон халқ санъати. 20.20 Кўрсатувлар программаси:

Ўзбек тилида: 20.25 Телевизион янгиликлар. 20.40 Сабзавоткорлар учун. «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. 21.10 «Турмуш ва маданият» тележурнали. 21.50 Телевизион театр: Ўлмас Умарбеков. «Чўли ироқ». Телевизион спектакль премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 «Инсон ва дин». 20.30 Беш йиллик йўлларидан; 21.00 Суҳбатли концерт. 21.30 «Пионерия» телевизион агентлиги. 22.00 Зангори экран ҳафталиги. 22.15 Санъат усталари. СССР халқ артисткаси А. Тарасова. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Рангли телевидение программаси. 01.30 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Ёшлик орбитасида. 18.35 Ҳужжатли фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ким бўлмоқ керак?» Репортаж. 19.35 Телевизион фильм:

Тожик тилида: 21.25 Янгиликлар. 21.40 «Баҳористон»: Телевизион журнал.

10 ИЮНЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Болалар учун мультфильм. 19.10 Реклама. 19.15 Ленинча меҳнат вахтаси. 19.35 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.40 Ўн минут музика. 19.50 Телевизион янгиликлар. 20.05 «Пропагандист» тележурнали. 20.35 «Туғишгандан афзал». Бадиий фильм (рус тилида). 22.00 Пиллачиларнинг меҳнат рапортлари. 22.20 Телевизион театр. Ҳ. Олимжон: «Зайнаб ва Омон». Телевизион спектаклнинг премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Телевизион янгиликлар. 20.15 «Халқ тасвирий санъат усталари». 21.00 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун «Музикали уйча» 21.30 Интервидение. Запорожье металлургия комбинатидан репортаж. 22.00 Бадиий фильм: 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Экран усталари. Любовь Орлова. 01.45 Янгиликлар шарҳлашлар, кўрсатувлар программаси. 02.00 Москва кўрсатувларининг охири.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ПЛАНЕТАРИЯСИ

АСТРОНОМИЯ, АСТРОНАВТИКА ВА ГЕОГРАФИЯ БЎЙИЧА

ЛЕКЦИЯЛАР УТКАЗАДИ

Лекциялар музика, кинофильм ва коннот ҳодисаларини кўрсатиш ёрдамида олиб борилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Дам олиш куни: чоршанба, пайшанба.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 6 уй (27, 38, 40, 51 автобуслар 1, 2, 4, 7 троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМ ТЕАТРДА —10 VI да **Мария Стюарт**, 11 VIда **Шоҳ Эдип** (спектаклар кеч соат 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —11 VI да **Жон қизлар** (ёзги бинода), 13 VIда **Ёшликда берган қўнгил** (ёзги бинода).

Кино

9 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Данийлар — САНЪАТ САРОЙИ «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Уруш — уруш-да! — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эрканча гап —«МОСКВА» (кеч соат 9.20).

10 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Данийлар —САНЪАТ САРОЙИ «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» «ДРУЖБА» НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уруш — уруш-да! — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эрканча гап —«МОСКВА» (кеч соат 9.20).

«ТАШСТРОЙОБОРУДОВАНИЕ» МАХСУСЛАШТИРИЛГАН СОЗЛАШ ВОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳрида ва Ўрта Осиё республикаларида ишлаш учун вентиляцияни созлаш ва монтажи бўйича техниклар, инженерлар, катта инженерлар, электр пайвандчилар, слесарь-монтажчилар ва ҳамма разрядли тунукасозлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 9 Январь кўчаси, 16 уй (12, 69 автобусларнинг «Мутахассислар уйи» бекати).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

19 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг геология-минерология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, геолфак, Б-224 аудитория) да геология-минерология фанлари кандидати ни илмий даражасини олиш учун

И. В. Плешченко: «Жанубий-Ғарбий Фарғона тог тагидаги веер кайнозой моласс формацияларининг динамик фация ва механик дифференсацияси» деган темада;

Л. Д. Шпора: «Навкат моласс формациясининг литологияси ва водийда ҳосил бўлган тисли қумтошлар (Шимолий— Ғарбий Фарғона)» деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонаси (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, ТошДУ)да танишиш мумкин.

19 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, химия факультети, кутубхона залида химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Махсудова: «Гибискус гуллари гибриди флавоноидларини химиявий ўрганиш» деган темада

Диссертация билан университет кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси)да танишиш мумкин.

19 июнь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат Университетининг биология фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети кенгаши (К. Маркс кўчаси, 35 уй 133 аудитория)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

К. Фофуров: «Қоракўл наҳосининг тупроқлари ва уларнинг агрономик характеристикаси» деган темада;

Х. Зарипов: «Жанубий — Шарқий (Қорақалпоғистон) Устюртнинг биогруннликлари» деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонаси (Университет кўчаси Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ)да танишиш мумкин.

27 июнь кундуз соат 2да Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика фанлари бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Педагогика кўчаси, 103 уй, акт зали)да педагогика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Г. Галалаева: «Совет болалар адабиётида ўсмирлар образи ва унинг гарбиявий аҳамияти» деган темада;

Н. П. Тен: «Ўзбекистон олий ўқув юртлари студентларининг жисмоний тарбияси ва уни яхшилаш йўллари» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳ. ҒУЛОМ асари.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. ЛЕВИЕВ музикаси.

«АЖАБ САВДОЛАР»

3 пардали музикали комедия.

Постановкачи режиссёр — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти лауреати Р. ҲАМРОЕВ, режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. ШОКИРОВ

дирижёрлар — Н. ХАЛИЛОВ, Э. ГОШМАТОВ,

рассом —ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ

Балетмейстер —О. НАЗРУЛЛАЕВ.

Хормейстер — А. ХОДИМОВ, Концертмейстерлар-М. ФУРМАН, А. МАЛИНА.

режиссёр ассистенти —Р. МУҲИТДИНОВА.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 9 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дав 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03 ахборот бўлими — 33-65-57; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2772
Р. 14351
Индекс 64579